

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ


2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Қурилишдаги низоларни ҳал этишда ОХС тавсиялари

Олий ҳўжалик суди Пленумининг навбатдаги мажлисида «Қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарор лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қарор лойиҳасига мувофиқ, судлар қурилишга оид пудрат шартномаларидан келиб чиқадиган низоларни кўриш вақтида қонунбузарликларнинг олдини олишга эътибор қаратиши зарур. Жумладан, ташкилотлар, давлат органлари ва бошқа органлар, мансабдор шахслар ёки масъул ходимлар фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилган ёхуд тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилинган ҳолатлар мавжудлиги аниқланган тақдирда судлар уларнинг олдини олишга қаратилган чораларни кўриши лозимлиги юзасидан батафсил тушунтириш берилган.

Унда қурилиш пудрати шартномасининг муҳим шартлари, хусусан, шартномани рўйхатдан ўтказиш ва бу талабга риоя этмаслик оқибатлари келтирилган. Шартноманинг шакли ва мазмуни, қўшимча бажарилган ишлар ва лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, қурилиш ишларини бажаришда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги, бажарилган ишни қабул қилиш, зарарни қоплаш, пудратчи тежами ва бошқа бир қатор масалалар бўйича тушунтиришлар ўрин олган.



Мажлисида ОХС судьялари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, видеоқонференцалоқа тизими орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳўжалик судлари судьялари иштирок этди.

Мажлисида мазкур масала қурилиш соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб

этишга эътибор қаратилди. Мазкур қарор ҳўжалик судлари томонидан ушбу тоифадаги ишларни кўришда қонун ҳужжатларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА материали асосида.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, ngm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Қурилиш индустриясига инвестициялар жалб этилади

Президентнинг 28.09.2016 йилдаги ПҚ-2615-сон қарори билан 2016–2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури қабул қилинди.

Ҳужжатда қуйидагилар тасдиқланди:

2016–2020 йилларда минерал-хом ашё ресурсларини қайта ишлаш негизида қурилиш индустриясининг ташқи бозорларда харидоригр бўлган юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар;

2016–2020 йилларда минерал-хом ашё ресурсларини қайта ишлаш негизида қурилиш индустриясининг экспортга мўлжалланган юқори қўшилган қий-

матли тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати.

Тасдиқланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида олиб кириладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик ускуналар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар 2021 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловларидан озод қилинади (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно). Ускуналар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Хорижий валютадан фойдаланиш мuddати оширилди

Президентнинг 20.12.2016 йилдаги ПФ-4891-сон Фармони билан Президентнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (27.06.1995 йилдаги ПФ-1193-сон) ўзгартиш киритилди.

Мижозларнинг талабномалари бўйича ваколатли банклар томонидан сотиб олинган ва белгиланган мuddатда фойдаланилмаганда сўзсиз қайта сотилиши керак бўлган хорижий валютадан фойдаланиш мuddати 7 иш кунидан 15 иш кунига қадар оширилди.

Шунга ўхшаш ўзгартиришлар Вазирлар Маҳкамасининг 21.12.2016 йилдаги 409-сон қарорига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларга киритилган:

Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (29.06.2000 йилдаги 245-сон);

Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида низоом (10.07.2001 йилдаги 294-сон ВМҚга 2-илова).

Тўқимачилик саноати ишлаб чиқарувчилари солиқлар бўйича имтиёзларга эга бўлдилар

Президентнинг «2017—2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори (21.12.2016 йилдаги ПҚ-2687-сон) қабул қилинди.

Ишлаб чиқариш топшириғи тасдиқланди

Ҳужжатда 2017—2019 йилларда пахта толаси ва ипак хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида юқори қўшилган қийматли, ташқи бозорларда талаб қилинадиган тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириғи белгиланди.

Топшириқларнинг белгиланган мuddатларда сифатли ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий маъсулият «Ўзбекенгилсаноат» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа акциядорлик жамиятлари ҳамда корхоналар раҳбарлари — масъул ижрочилар зиммасига юкланди.

Инвестиция лойиҳалари маъқулланди

Бундан ташқари, 2016—2019 йилларда пахта толаси ва ипак хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида юқори қўшилган қийматли тайёр, экспортга

2-бетда



Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

2017 йил учун солиқлар ва мажбурий ажратмалар ставкалари

7-БЕТ

Низолар судда ҳал қилинди, лекин иш судгача бормаслиги мумкин эди

8-БЕТ


Қайта баҳолашни бошлаймиз

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-бетда йўналтирилган тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати маълумланди.

Бунда очилган кредит линиялари доирасида тижорат банклари билан биргаликда молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

○ тижорат банклари устав капиталига, шу жумладан шуъба инвестиция компаниялари орқали ёки модернизация қилинган ёхуд янгидан ташкил этилаётган корхоналарга қайта молиялаштириладиган кредитлар бериш орқали лойиҳаларни молиялаштирадиган;



○ қайта молиялаштириш шартларида лойиҳани амалга оширишда тижорат банкнинг иштироки лойиҳа қийматининг кўпи билан 75%ини ташкил қилади;

○ кредит линиялари хорижий валютада берилса, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни тўлаш ҳам қайта молиялаштирувчи тижорат банклари ва қарз олган ташкилотлар томонидан ана шу валютада амалга оширилади;

○ инвестиция лойиҳалари «Ўзбекингилсаноат» АЖнинг тармоқ Илмий-техника кенгашида, уларни амалга ошириш доирасида тузилладиган импорт контрактлари эса — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланганини, техника ва технологияларни экспертизадан ўтказиб баҳолаш агентлигида мажбурий экспертизадан ўтказилади.

Ишчи гуруҳ ташкил қилинди

Ҳужжатда Дастур амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этилди, унга вазирликлар, идоралар, акциядорлик жамиятлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда бошқа маъсул бажарувчиларнинг фаолияти пухта мувофиқлаштирилишини ва мониторинги олиб борилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Имтиёз ва преференциялар

2017 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар экспортдан олинган хорижий валютадаги тушумнинг бир қисмини ваколатли банкларга мажбурий сотиш бекор қилинди:

- тайёр ип-газлама матолар;
- тайёр аралашма матолар;
- тайёр шойи (атласдан ташқари) матолар;
- тайёр тикувчилик буюмлари, тайёр кийимлар (тикувчилик, трикотаж буюмлари);
- бош кийимлар (миллий бош кийимлардан ташқари);
- пайпоқ буюмлари;
- тўқимачилик атторлик буюмлари.

Қуйидагилар **божхона тўловларидан** (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) **2020 йил 1 январгача бўлган муддатга озод қилинади:**

○ республикада ишлаб чиқарилмайдиган, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар;

○ ҳўжалик юритувчи субъектлар — Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича республика ҳудудига четдан келтириладиган тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғининг ўрнатилган технологик ускуналарига эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар учун.

Қуйидагиларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга **солиқ ҳамда божхона имтиёзлари ва преференциялари** берилди:

- тайёр ип-газлама матолар (чит ва сатиндан ташқари);
- тайёр аралашма матолар;
- тайёр шойи (атласдан ташқари) матолар;
- тайёр тикувчилик буюмлари, тайёр кийимлар (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлари);
- бош кийимлар (миллий бош кийимлардан ташқари);
- пайпоқ буюмлари;
- тўқимачилик атторлик буюмлари;
- тикув-трикотаж саноати учун фурнитура ва аксессуарлар.

Корхоналарда ҳисобот даври яқунлари бўйича умумий сотиш ҳажмида шундай товарларни ишлаб чиқаришдан тушган тушумлар улуши камида 60%ни ташкил этиши керак бўлади.

Мазкур корхоналар **2020 йилнинг 1 январига қадар** қуйидаги тўловлардан озод қилинади: **микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи тўлашдан, ягона солиқ тўловида, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади;**

ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган, республикада ишлаб


чиқарилмайдиган хом ашё ва материаллар, шу жумладан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ, комиссия шартномалари асосида импорт қилинадиган ускуналар, бутловчи буюмлар учун **божхона тўловлари тўлашдан озод қилинади** (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно);

ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ўзида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган юқоридаги рўйхатга киритилмаган хом ашё, материаллар ва фурнитурани импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб **божхона тўловларини 60 кунгача муддатга кечиктириш** (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) **ҳуқуқидан фойдаланадилар.**

«Ўзтўқимачиликэкспорт» МЧЖ ташкил этилди

«Ўзбекингилсаноат» АЖ таркибида «Ўзтўқимачиликэкспорт» МЧЖ ташкил этилди ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

енгил саноат корхоналарига, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маркетинг, ахборот ва консалтинг хизматлари кўрсатиш, кўргазмаларда ва матбуот нашрларида реклама тадбирларини амалга ошириш, экспорт салоҳиятини кенг ёритиш ҳисобига енгил саноат маҳсулотларини экспортга йўналиштириш;



тўғридан-тўғри контрактлар бўйича, шунингдек хорижда ташкил этилаётган савдо уйлари орқали маҳсулотларни экспортга сотишда енгил саноат корхоналарига тизимли асосда кўмаклашиш;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар, аксессуарлар ва фурнитураларни етказиб беришда (импорт қилишда), шунингдек тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш учун зарур бўлган тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотлари билан таъминлаш ҳисобига тармоқ ичидagi кооперацияни ривожлантиришда кўмаклашиш.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 4 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2341,27	1 Малайзия рингити	721,52
1 Англия фунт стерлинги	3983,76	1 Польша злотийси	770,26
1 Дания кронаси	456,90	1 СДР	4355,12
1 БАА дирхами	882,08	1 Туркия лираси	916,26
1 АҚШ доллари	3239,62	1 Швейцария франки	3173,30
1 Миср фунти	179,98	1 ЕВРО	3404,13
1 Исландия кронаси	28,57	10 Жангубий Корея вонни	26,90
1 Канада доллари	2415,82	10 Япония иенаси	276,09
1 Хитой юани	465,83	1 Россия рубли	53,41
		1 Украина гривнаси	119,14

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

УШБУ СОҒДА

● ОХС ПЛЕНУМИ

— Қурилишдаги низоларни ҳал этишда ОХС тавсиялари

1-бет

● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

— Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

— Валюталар курси

1-2-бетлар

● РАСМИЙ ҲУҶЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: — «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (кўчирма).

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрларига доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	5.01.2017	1	1,7707	1	1,8638	1	0,0293
Арманистон	5.01.2017	1	483,94	1	512,2	1	7,88
Беларусь	6.01.2017	1	1,9653	1	2,0716	100	3,2633
Грузия	5.01.2017	1	2,6692	1	2,7858	100	4,3683
Қозғоғистон	5.01.2017	1	334,51	1	348,83	1	5,49
Қирғизистон	6.01.2017	1	69,1964	1	72,7704	1	1,1507
Молдова	5.01.2017	1	20,1309	1	20,9986	1	0,3309
Россия	31.12.2016	1	60,6589	1	63,8111	—	—
Тожикистон	5.01.2017	1	7,8785	1	8,2204	1	0,1265
Туркменистон	5.01.2017	1	3,5000	1	3,6540	100	5,7535
Украина	5.01.2017	100	2 669,2366	100	2 785,8822	10	4,4005

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон қарори билан тасдиқланган 2017 йил учун солиқлар ва мажбурий ажратмалар ставкалари (кўчирма)

3-6-бетлар

● СУД ИШИ

— Бировнинг қарзига кафил бўлишга шояшилманг

7-бет

● ТАДБИРКОРЛИК

— «1UZ бухгалтерия. Мини» — тадбиркорлар учун қулай дастур

— Ишончли маълумотлар билан таъминлаш тизими такомиллашмоқда

8-бет

● БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

— Қайта баҳолашни бошлаймиз

8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

№	Ижарага бериладиган мол-мулк тури	Белгиланган ставка миқдорини таъсирловчи кўрсаткич	Ойлик ижара тўлови ставкаларининг энг кам миқдорлари, сўмда		
			Тошкент ш.	Нукус ш. ва вилоят бўйсунувидаги шахарлар	бошқа аҳоли пунктлари
2	енгил автомобиль (йўловчилар, бағаж ташишга мўлжалланган ҳамда ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда, ўриндиқлари сони 8 тадан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси) микровавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари	1 та автотранспорт воситаси учун	330 000		
			645 000		

Изоҳ:

Мазкур ставкалар жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олдинган даромадларига солиқ солиш мақсадида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон қарорига
28-ИЛОВА

УНДИРУВНИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР МОЛ-МУЛКИГА ҚАРАТИШ УЧУН СОЛИҚ БЎЙИЧА ҚАРЗЛАРНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРЛАРИ

Солиқ тўловчилар	Энг кам иш ҳақида қаррали миқдорларда
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш зиммасига юклатилган юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари	20
Жисмоний шахслар	5

Изоҳ:

Ундирувни солиқ тўловчилар мол-мулкига қаратиш учун солиқ бўйича қарзларнинг энг кам миқдорлари йил бошида – 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра белгиланган энг кам иш ҳақидан (149 775 сўм) келиб чиқиб белгиланади ҳамда йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарганда қайта кўриб чиқилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон қарорига
34-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАР ТАЪМИНОТИ УЧУН ОТА-ОНАЛАРДАН ОЛИНАДИГАН 2017 ЙИЛГИ ТЎЛОВ МИҚДОРЛАРИ

№	Таълим муассасаси жойлашган жой ва болаларнинг кунига унда бўлиш вақти	Ясли гуруҳи*		Мактабгача гуруҳ*	
		таълим муассасасига қатновчи оиладаги битта болага	оиладаги ҳар бир болага, агар таълим муассасасига биттадан ортиқ бола қатнаса**	таълим муассасасига қатновчи оиладаги битта болага	оиладаги ҳар бир болага, агар таълим муассасасига биттадан ортиқ бола қатнаса**
Мактабгача таълим муассасасининг 5 кунлик иш ҳафтасида					
1	Тошкент ш., вилоят марказлари, вилоят бўйсунувидаги шахарлар	болалар куйидаги миқдордаги соат давомида бўлса:			
1.1	4–5 соат	15 500	11 200	15 500	11 200
1.2	9–10,5 соат	95 900	68 200	126 400	89 800
1.3	12 соат	125 600	90 100	150 700	108 300
1.4	24 соат	125 600	90 100	166 000	118 700
2	Туман марказлари ва бошқа жойлар	болалар куйидаги миқдордаги соат давомида бўлса:			
2.1	4–5 соат	15 500	14 000	15 500	14 000
2.2	9–10,5 соат	68 100	62 200	89 800	82 000
2.3	12 соат	89 200	81 800	107 000	97 900
2.4	24 соат	89 200	81 800	117 900	106 500
Мактабгача таълим муассасасининг 6 кунлик иш ҳафтасида					
1	Тошкент ш., вилоят марказлари, вилоят бўйсунувидаги шахарлар	болалар куйидаги миқдордаги соат давомида бўлса:			
1.1	4–5 соат	18 500	12 900	18 500	12 900
1.2	9–10,5 соат	114 200	80 200	150 500	105 800
1.3	12 соат	149 500	107 000	179 400	128 400
1.4	24 соат	149 500	107 000	197 700	140 500
2	Туман марказлари ва бошқа жойлар	болалар куйидаги миқдордаги соат давомида бўлса:			
2.1	4–5 соат	18 500	16 600	18 500	16 500
2.2	9–10,5 соат	81 100	73 400	106 900	96 900
2.3	12 соат	106 100	95 600	127 400	114 500
2.4	24 соат	106 100	95 600	140 300	127 700

*Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинадиган ҳар ойлик тўлов миқдорлари икки баравар кам миқдорда белгиланади.

**Битта оиладан бир нафардан ортиқ, шу жумладан, турли ёш гуруҳларидаги болалар мактабгача таълим муассасасига қатнаганда ҳар бир болага ота-оналар тўлайдиган тўлов миқдори ёш гуруҳига қараб белгиланади.



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ:

– «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (кўчирма).

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2017 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КўРСАТКИЧЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИГА ДОИР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2016 ЙИЛ 27 ДЕКАБРДАГИ ПҚ-2699-СОН ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН 2017 ЙИЛ УЧУН СОЛИҚЛАР ВА МАЖБУРИ АЖРАТМАЛАР СТАВКАЛАРИ (кўчирма).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

(Кўчирма)

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 6 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2016 йил 12 октябрда маъқулланган

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 31.12.2016 йилдаги 52 (760)-сон, 597-модда)

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги 285–XII-сонли Қонунига куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 8-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошидаги «ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларига» деган сўзлар «ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария, экология стандартлари, талаблари, қоидалари ва нормаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 17-модда биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошидаги «ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини» деган сўзлар «ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария, экология стандартлари, талаблари, қоидалари ва нормаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 27-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:

«27-модда. Олиб кириладиган қўрилган қўйилдиган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария ва экология стандартлари, талаблари, қоидалари ва нормалари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар Ўзбекистон Республикасида белгиланган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария ва экология стандартлари, талаблари, қоидалари ва нормаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига:

ушбу модданинг биринчи қисмида қўрсатилган стандартлар, талаблар, қоидалар ва нормаларга мос келмайдиган товарларни; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда сертификатга, маржировкага ёки мувофиқлик белгисига эга бўлмаган товарларни олиб кириш тақиқланади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги 510–XII-сонли Қонунига куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 13-модданинг иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мамлакат ҳудудидан ташқарида ишга жойлаштириш Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан амалга оширилади»;

2) 16-модда:

номидаги ва биринчи қисмидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмининг:

биринчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси (бундан буён матнда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми ўн олтинчи хатбошининг ўзбекча матнидаги «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи» деган сўзлар «Бандликка кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 21-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:

«21-модда. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини молиялаштириш ва меҳнат органларининг самарали фаолият кўрсатиши учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси тузилади.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг даромадлари:

ягона ижтимоий тўлов тушумларининг белгиланган миқдори; вақтинчалик бўш маблагларни жойлаштиришдан тушган даромадлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблагларининг етимиш фоизи кейинчалик туманлар ва шаҳарлар ўртасида қайта тақсимланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат органлари тасарруфиди қолади, ўттиз фоизи эса республика даражасида марказлаштирилади.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблагларини сарфлаш йўналишлари аҳоли бандлигига оид тегишли республика, ҳудудий ва бошқа махсус дастурларида белгиланади»;

7) 28-модданинг учинчи қисмидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) 35-модда:

иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблагларидан ёки Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тош-

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 27.12.2016 йилдаги 255 (6690)-сониде эълон қилинган.

кент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағларидан ажратиладиган моддий ёрдам кўрсатиш тартиби, миқдорлари ҳамда шартлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 837–XII-сонли Қонуни 51-моддасининг биринчи қисмидаги «давлат санитария ва ветеринария назорати органлари» деган сўзлар «давлат санитария назорати ва давлат ветеринария хизмати органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915–XII-сонли Қонунига қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **13-модда** учинчи қисмининг:

олтинчи хатбошидаги «ҳайвонлар сақлашнинг ветеринария-санитария қоидаларига» деган сўзлар «ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ийгирма тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«иктимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган кам таъминланган оилаларни, ёлғиз кекса фуқароларни, пенсионерларни ва ногиронларни молия органлари ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда аниқлайди»;

2) **17-модда** бешинчи қисмининг учинчи хатбошидаги «ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия тўғрисида»ги 938–XII-сонли Қонуни 12-моддаси «м) бандининг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«м) қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишга бевосита банд бўлган иқтимоий ходимлар (3-сонли рўйхат, IX қисм)».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **168-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) анча миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) кўп миқдорда;

б) тасодуф ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилдан саккиз йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз

бараваригача миқдорда жарима ёки саккиз йилдан ўн йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Этказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодлиқни чеклаш ва озодлиқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди»;

2) **184-1-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**184-1-модда.** Бюджет ва смета-штат интизомини бузиш Молия йилида бюджет ва смета-штат интизомини бузиш кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмиш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд бир йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) **192-7-модданинг диспозициясидаги** «нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган ўзга тўловларни» деган сўзлар «пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган ўзга тўловларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **200-модданинг номи ва диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**200-модда.** Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш

Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш ҳайвонларнинг ёки паррандаларнинг эпидемик касалликлари (эпизоотиялар) тарқалишига, уларнинг ялли қирилиб кетишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса»;

5) **267-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Транспорт воситасини олиб қочиш – беш йилдан ўн йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) тасодуф ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб;

г) транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида ўғрилик ёки талончилик йўли билан содир этилган бўлса, – ўн йилдан ўн беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан;

в) транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса, – ўн беш йилдан ийгирма йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **X бобнинг номидаги «ветеринария-санитария қоидаларини»** деган сўзлар «ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **109-модданинг номи ва диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**109-модда.** Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш

Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузганлик, эпизоотияларга қарши курашиш чораларини кўрмаганлик»;

3) **175-2-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**175-2-модда.** Бюджет ва смета-штат интизомини бузиш Молия йилида бюджет ва смета-штат интизомини бузиш унча кўп бўлмаган миқдорда содир этилган бўлса, – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлла-

нилганидан кейин бир йил давомида такор содир этилган бўлса ёхуд анча миқдорда содир этилган бўлса, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Унча кўп бўлмаган миқдор деганда энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдор тушунилади;

4) кўйидаги мазмундаги **175-6-модда** билан тўлдирилсин:

«175-6-модда. Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибини бузиш
Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибини бузиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **241-7-модданинг диспозициясидаги** «нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган ўзга туловларни» деган сўзлар «пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган ўзга туловларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «175-3-моддаларида» деган сўзлар «175-3, 175-6-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **259-модда** кўйидаги тахрирда баён этилсин:

«259-модда. Давлат ветеринария хизмати

Давлат ветеринария хизматига ушбу Кодекснинг 109-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Кўйидагилар давлат ветеринария хизмати номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тарихисидagi маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари, давлат чегарасидаги ва транспортдаги бош давлат ветеринария инспектори ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик хўзуридаги Давлат ветеринария бош бошқармасининг давлат ветеринария инспекторлари, туманлар ва шаҳарларнинг бош давлат ветеринария инспекторлари, чегара ва транспортдаги ветеринария пунктларининг (ўчакталарининг) давлат ветеринария инспекторлари ҳамда ветеринария ўчакталарининг ва бозорлардаги ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияларининг давлат ветеринария инспекторлари — энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда жарима солишга».

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида**»ги 265-1-сонли Қонунига кўйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **16-модданинг бешинчи қисмидаги** «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **17-модданинг учинчи қисмидаги** «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **21-модданинг:**

биринчи қисмидаги «ва меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар «соғлиқни сақлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **22-модданинг иккинчи қисми** кўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ногиронлар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий-санитария ёрдами олиш, уйда парвариш қилиниш, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз ногиронлар, сурункали руҳий касалликларга чалинган ногиронлар эса ногиронлар ва қариялар учун мўлжалланган интернет уйларида яшаш ҳуқуқига эга»;

5) **29-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидagi** «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «**Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати**

ва хавфсизлиги тўғрисида»ги 483-1-сонли Қонунига кўйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **2-модда:**

иккинчи хатбошисининг русча матнидаги «ветеринарным, фитосанитарным нормам и правилами» деган сўзлар «ветеринарным, ветеринария-санитарным, фитосанитарным правилам и нормам» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «ветеринария, фитосанитария нормалари ва қоидаларига» деган сўзлар «ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **5-модданинг биринчи қисмидаги** «ветеринария» деган сўз «ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модданинг тўртинчи қисми** кўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Янги озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришга, янги технология жараёнларини, ускуналарни жорий этишга улар токсикология-гигиена экспертизасидан, ҳайвонлардан олинadиган озиқ-овқат хом ашёси эса давлат ветеринария хизмати томонидан ўтказилadиган ветеринария ва ветеринария-санитария экспертизасидан кейин ва (ёки) махсулот белгиланган қоидалар ва нормаларга мослиги ҳақида давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг санитария-эпидемиологик ҳулосаси, давлат ветеринария хизматининг ветеринария ҳулосаси олинганидан ҳамда озиқ-овқат маҳсулотидан давлат реестрига киритилганидан кейин йўл қўйилади»;

4) **11-модданинг бешинчи қисми** кўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳайвонлардан олинadиган озиқ-овқат хом ашёсини етиштириш чоғида ветеринария дори воситаларини ва озукабоб қўшимчаларни қўллашга улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин йўл қўйилади»;

5) **17-модданинг:**

номи ва биринчи қисми кўйидаги тахрирда баён этилсин:
«17-модда. Қоидалар ва нормаларга мос келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланиш ҳамда уни йўқ қилиб ташлаш

Яроқлилик муддати ўтган, сифатсизлиги белги бериб турган, таъқослаш ва ишлаб чиқарувчисини аниқлаш мумкин бўлмаган, шунингдек санитария-гигиена экспертизаси, лаборатория текширувлари ва (ёки) ветеринария, ветеринария-санитария экспертизаси ва сертификатлаштириш синовлари натижаларига кўра давлат санитария назорати ва (ёки) давлат ветеринария хизмати органлари томонидан овқатта ишлашга учун яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулотидан ишлаб чиқарилиш ва реализация қилинишдан олиб ташланади, у белгиланган мақсадда ишлашмаслиги ҳамда қайта ишланиши ёки йўқ қилиб ташланиши керак»;

олтинчи қисми кўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Озиқ-овқат маҳсулотининг эгаси давлат санитария назорати ва (ёки) давлат ветеринария хизмати органларига ушбу маҳсулотдан фойдаланилганлиги ёки у йўқ қилиб ташланганлиги тўғрисидаги далолатномани тақдим этади».

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «**Ҳўжалик йўртирувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**»ги 717-1-сонли Қонуни **14-моддасининг биринчи қисмидаги** «(ёнингга қарши, санитария, ветеринария, энергетика назорати ва бошқа)» деган сўзлар «(ёнингга қарши, санитария, энергетика назорати, давлат ветеринария хизмати ва бошқа)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** кўйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **147-модданинг 15-бандидаги** «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар «меҳнат органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **159-модданинг 1-бандидаги** «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар «меҳнат органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 208-модда 13-бандининг:

биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тиббий хизматлар (косметология хизматлари бундан мустасно) ва ветеринария хизматлари, дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар. Ушбу банднинг қoidalарини қўллаш мақсадларига»;

учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ветеринария хизматлари жумласига ҳайвонларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, ҳайвонлар касалликлари пайдо бўлишининг, тарқалишининг олдини олиш ҳамда бу касалликларни тугатиш, аҳолини ҳайвонлар ва одам учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ҳайвонларнинг юкумли касалликлари олиб кирилишдан муҳофаза қилиш, ҳайвонларга ветеринария хизмати кўрсатилишини амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ветеринар осийошталикни, давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг ветеринария, ветеринария-санитария хавфсизлигини таъминлаш қиради»;

4) 211-модданинг 6-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринарияга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган хом ашё. Мазкур имтиёз олиб қирилётган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳам ишлаб чиқарилаётган тайёр дори воситаларига, ветеринария дори воситаларига, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмларга нисбатан татбиқ этилмайди»;

5) 329-модданинг 24-бандидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) 331-модданинг 12-бандидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) 355-модда иккинчи қисми 1-бандининг тўққинчи хатбошисидаги «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар «меҳнат органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги УРҚ–139-сонли Қонуни **28-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ногирон болалар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ва ўз йилларида парварши қилиниш ҳуқуқига эга».

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «**Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида**»ги УРҚ–263-сонли Қонунига қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин:

1) 6-модданинг бешинчи хатбошисидаги «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини» деган сўзлар «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 8-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 16-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи-ўн бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:
«ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган воёга етмаганларга ва оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилишини замонавий услублари ва технологияларидан фойдаланади»;

воёга етмаганларнинг дам олишини, ижтимоий муассасаларда ташкил этилган тўғрақларда ёки марказларда ижодий қобилиятини ривожлантиришини ташкил этишда иштирок этади»;

ногирон болаларни тиббий-ижтимоий ёрдам билан таъминлайди, ногирон болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматларининг комплекс тармоқларини ривожлантиради»;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади»;

4) 17-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«17-модда. Меҳнат органлари

Меҳнат органлари ўз ваколатлари доирасида:

воёга етмаганларни ишга жойлаштиришга, касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашадиган, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади»;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади.

Меҳнат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларини ҳам амалга ошириши мумкин».

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январда қабул қилинган «**Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида**»ги УРҚ–364-сонли Қонунига қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) 7-модда:

биринчи қисмининг:

бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошиси бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмининг:

учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари томонидан – суд томонидан муомалаларга лаёқатсиз ёки муомала лаёқатли чекланган деб топилган фуқароларга, шунингдек соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган воёга етган муомалаларга лаёқатли фуқароларга нисбатан амалга оширилади»;

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

2) 9-модданинг номидagi, биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги ва **иккинчи қисмидаги** «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 12-модда биринчи қисмининг ўн саккинчи хатбошисидаги «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) 13-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида:

муомалаларга лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларни, шунингдек соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахсларни аниқлайди ҳамда уларнинг ҳисобини юритади»;

муомалаларга лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, шунингдек соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг ахборот базасини юритади, маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотлар базасига киритиш учун тақдим этади, шунингдек давлат статистика ҳисоботини тегишли давлат статистика органига қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда ва муддатларда тақдим этади»;

муомалаларга лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, шунингдек соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулк ҳақидаги маълумотларни давлат реестрига киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этади»;

муомалаларга лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди»;

васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган ҳамда васийларга ва ҳомийларга қўйиладиган талабларга мос бўлган шахсларни танлашни ҳамда ҳисобга олишни амалга оширади»;

муомалаларга лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларга, шунингдек соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахсларга нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгилаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди»;

воёга лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг, соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган шахсларнинг турмуш ва таъминот шароитларини, шунингдек васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг турмуш шароитларини текширувдан ўтказди ҳамда бу ҳақда далолатнома тузади»;

васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкинлиги тўғрисида туман, шаҳар ҳокимига хулоса беради;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини юритади;

васийлар ва ҳомийларнинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга оширади, уларга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларни парвариш қилишни, тарбиялашни ва уларнинг тиббий кузатувини ташкил этишда ёрдам кўрсатади;

васийлиқни ёки ҳомийликни тугатиш тўғрисида, шунингдек ушбу Қонуннинг 29 ва 30-моддаларида назарда тутилган ҳолларда васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш ҳақида туман, шаҳар ҳокимига илтимосномалар киритади;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига доир ариза билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилади, мазкур масалаларга доир ишларни суд мажлисларида кўриб чиқишда иштирок этади;

ҳуқуқи муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижора ташкилотлари билан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга тегишчан маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳамкорлик қилади;

фуқароларга васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича маслаҳатлар беради;

фуқароларнинг васийлик ва ҳомийлик масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан зарур чоралар кўради.

Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлари ҳам амалга ошириши мумкин»;

5) 14-модда чиқариб ташланган;

6) 16-модданинг биринчи қисмидаги «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари» деган сўзлар чиқариб ташланган.

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғриси-

да»ги ЎРҚ-371-сонли Қонунига қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин:

1) 9-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошидаги «ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 16-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«16-модда. Меҳнат органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Меҳнат органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади; меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўради, ишсизларни ҳисобга олишни ва ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Меҳнат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлари ҳам амалга ошириши мумкин»;

3) 18-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
«ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради»;

ўнинчи хатбоши ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.
28-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент шаҳри,
2016 йил 26 декабрь
ЎРҚ-416-сон.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING 2017 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИГА ДОИР ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING 2016 ЙИЛ 27 ДЕКАБРДАГИ ПҚ-2699-СОН ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН 2017 ЙИЛ УЧУН СОЛИҚЛАР ВА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР СТАВКАЛАРИ*

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон қарорига
23-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRLIGI ХУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМГАРМАСИ,
RESPUBLIKA IYЛ JАМГАРМАСИ ХАМДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, АКАДЕМИК
ЛИЦЕЙЛАР ВА ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА ЖИХОЗЛАШ
ЖАМГАРМАСИГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР СОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ

N	Тўловчилар	Ажратмалар солиш объекти
1	Воситачилик (топшириқ) шартномалари ва воситачилик хизматларини кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар	ҚҚС чегирилган ҳолда воситачилик ҳақи суммаси
2	Тайёрлов ташкилотлари	ҚҚС чегирилган ҳолда товар айланмаси ҳажми
3	«Ўздонмаҳсулот» АК ташкилотлари (ғалла қабул қилиш корхоналари ва ғалла қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари)	ҚҚС чегирилган ҳолда устама ва чегирма
4	Кредит ва сугурта ташкилотлари	даромад
5	Молиявий ижара (лизинг) хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар	фоизли даромад

*Мазкур иловалар тахририят томонидан ўзбек тилига ўзгирилган. Маълумотнома тусида эга.

<i>N</i>	<i>Тўловчилар</i>	<i>Ажратмалар солиш объекти</i>
6	Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув таъминоти корхоналари	махсулот (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажми, ҚҚСни ва тегишчан иссиқлик таъминоти корхоналари учун – иссиқлик энергияси, сув таъминоти корхоналари учун – сувнинг харид қийматини чеғирган ҳолда
7	Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари	ҚҚСни чеғирган ҳолда ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажми
8	«Ўзбекнеғро» АЖ ва унинг ташкилотлари, «Ўзбекнеғтаз» МХК тегишчан электр энергияси ва табиий газни сотиш қисмида	махсулот реализацияси ҳажми, электр энергияси ва табиий газ бўйича эса – пировард истеъмолчиға реализация қилиш ҳажми, ҚҚС ва акциз солиғини чеғирган ҳолда
9	Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ тўловчилар	махсулот реализацияси ҳажми, ҚҚС, акциз солиғи ҳамда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқни чеғирган ҳолда
10	Бошқа тўловчилар	махсулот (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажми, ҚҚС ва акциз солиғини чеғирган ҳолда

Изоҳ:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича хўжалик юртувчи субъектларға қонун ҳужжатлари билан олдн берилган имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларға татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон қарорига
24-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
РЕСПУБЛИКА ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИГА ЙИҒИМЛАР ВА АЖРАТМАЛАР
СТАВКАЛАРИ**

<i>N</i>	<i>Йиғимлар ва ажратмалар турлари</i>	<i>Йиғимлар ставкалари</i>
1	Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва у орқали транзит қилишдан йиғимлар	АҚШ долларарида
1	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий давлатлардан автотранспорт воситаларини олиб кирганлик ва у орқали транзит қилиш учун йиғим, бир автоташувчи кирганлиги учун (2-5-бандларда кўрсатилган мамлакатлар бундан мустасно)	400
2	Тожикистон Республикасининг ҳар бир юк автотранспорт воситаси ва автобусини олиб кирганлик ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилганлик учун йиғимлар: битта юк автотранспорт воситаси ва автобусдан	130
	юк автотранспорт воситаси ва автобус Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бўлган 3 суткадан ошган ҳар бир кун учун	70
	юк автотранспорт воситалари ва автобусларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали учинчи мамлакатларға (МДХ мамлакатларидан ташқари) транзит олиб ўтганлик учун	90
3	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Қозғистон Республикаси юк автотранспорт воситалари ва автобусларини олиб кирганлик учун йиғимлар, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилиш бундан мустасно, бир юк автотранспорт воситасини олиб кирганлик учун	300
4	Қирғизистон Республикасининг юк автотранспорт воситалари ва автобусларини олиб кириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб транзит қилиш учун йиғимлар	300
	Туркменистон Республикаси автотранспорт воситаларини олиб кириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб транзит қилиш учун йиғимлар, автотранспорт воситалари турлари бўйича:	
	куйидаги оғирликдаги юкларни кўтарадиган юк автотранспорт воситалари:	
	10 тоннагача	50
	10 тоннадан 20 тоннагача	100
	20 тоннадан кўп	150
	ўриндиқлар сони куйидагича бўлган автобуслар:	
	12 ўриндиқгача	25
	13 ўриндиқдан 30 ўриндиқгача	50
	30 ўриндиқдан кўп	100
	транзит ўтаётган енгил автотранспорт воситалари	30
	транзит ўтаётган мотоцикллар	15
II	Автотранспорт воситалари олинганлиги ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт воситаларининг эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим	
I	Ихтисослаштирилган савдо тармоғида, ишлаб чиқарилган мамлакатдан қатъи назар, харид қилинган янги автотранспорт воситалари бўйича	харид қилиш нархидан 3%

N	Йигимлар ва ажратмалар турлари	Йигимлар ставкалари		
2	Фойдаланилган автотранспорт воситалари бўйича:	Фойдаланиш муддатига қараб ҳар бир от кучи учун энг кам иш ҳақига нисбатан %да		
		3 йилгача	3 йилдан 7 йилгача	7 йилдан ортиқ
	Енгил автомобиллар	11	9	6
	Мотоцикллар (шу жумладан, мопедлар) ва ёрдамчи двигатель ўрнатилган велосипедлар, кажавали ёки кажавасиз	10	7	5
	Бошқа моторли транспорт воситалари	16	13	9
III	«Ўзавтойўл» АЖ корхона ва ташкилотлари мол-мулкни сотиб олишдан тушган маблағларнинг бюджетга тушиши лозим бўлган умумий суммасидан ажратмалар (%)	50		

Изоҳлар:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳорижий давлатларнинг оғир юк ташувчи ва ёйиқ загаритли транспорт воситалари ўтганлиги учун мазкур иловада назарда тутилган ставкалар бўйича йигим тўланиши билан бир қаторда қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарори билан белгиланган миқдорларда тўлов ундирилади.
2. Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан Давлат чегарасини кесиб ўтадиган ҳорижий юк автотранспорт воситалари ва автобусларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва у орқали транзит ўтиши учун мазкур иловада назарда тутилган ставкалар бўйича йигим тўланиши билан бир қаторда қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 декабрдаги 274-сон қарори билан белгиланган миқдорларда йигимлар ундирилади.
3. Ўзбекистон Республикасига учинчи мамлакатлардан юклар олиб ўтишда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан юкларни олиб чиқишда Туркманистон юк автотранспорт воситаларидан қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 28 сентябрдаги 447-сон қарорига мувофиқ 175 АҚШ доллари миқдорида йигим ундирилади.
4. Гуманитар юкларни олиб ўтишда автотранспорт воситаларининг олиб кирилиши ва транзитида ундирилаётган йигимлар ставкасига нисбатан 0,5 камайтирувчи коэффициентни қўллашди.
5. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон қарорига
25-ИЛОВА

ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВ СТАВКАЛАРИ

N	Тўловчилар	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1	Микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжалиқлари	15*
2	1-бандда назарда тутилмаган бошқа тўловчилар	25*

*Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари.

Ягона ижтимоий тўлов суммаси белгиланган тартибга мувофиқ давлат мақсадли жамғармалари билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида қуйидаги миқдорларда тақсимланади:

микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжалиқлари бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига	14,8%
Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига	0,1%
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига	0,1%

бошқа тўловчилар бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига	24,8%
Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига	0,1%
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига	0,1%


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон қарорига
26-ИЛОВА

**МОЛ-МУЛКНИ ИЖАРАГА БЕРУВЧИ ЖИСМОЙ ШАХСЛАР
УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ**

N	Ижарага бериладиган мол-мулк тури	Белгиланган ставка миқдорини таъсирфловчи кўрсаткич	Ойлик ижара тўлови ставкаларининг энг кам миқдорлари, сўмда		
			Тошкент ш.	Нукус ш. ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар	бошқа аҳоли пунктлари
1	Уй-жойлар:				
	турар жой	умумий майдоннинг 1 кв.метри учун	4 500	3 000	1 500
	нотурар жой		9 000	6 000	3 000
2	Автомобиль транспорти:				

Ишнинг моҳияти

Буюртмачига маҳсулот тайёрлаш ва етказиб бериш учун етказиб берувчи (қарздор) 2015 йил июнда 200 млн сўм кредит олиш учун банкка мурожаат қилди. Қарздорнинг кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини таъминлаш мақсадида банк 2015 йил июлда иккита МЧЖ билан кафиллик шартномаларини тузди. Кафиллик шартномаларида назарда тутилишича, кафиллар (1-МЧЖ ва 2-МЧЖ) қарздор кредит шартномаси бўйича барча мажбуриятларини бажариши учун кредитор олдидан солидар тартибда жавоб берадилар. 2016 йил январда кафиллардан бири (1-МЧЖ) тўловга ноқобиллиги сабабли чиқиб кетди, бу ҳақда кредит шартномасига ва кафиллик шартномасига тегишли қўшимча битимлар тузилди. Бунда қолган кафилнинг (2-МЧЖ) мажбуриятлари ҳажми ўзгармади. Қарздор шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлиги муносабати билан 2016 йил мартда банк қарздор ва кафил мажбуриятларнинг қолган суммасини (100 млн сўм) солидар тартибда сўндиришлари талабини юборди. Кафиллардан бири чиқиб кетганлиги боис қолгани 2016 йил апрелда 2-МЧЖ (кафил) банк билан тузган кафиллик шартномасини бекор қилинган деб топиш ва банкдан у тўлаган давлат божи – 1 302 400 сўм ва почта харажатлари – 7 200 сўмни ундириш даъвоси билан ҳўжалик судига мурожаат қилди. Ишни кўриш давомида банк қарздор ва кафилдан 100 млн сўм кредит бўйича қарз, давлат божи (1 млн сўм) ва почта харажатларини (7 200 сўм) солидар тартибда ундириш ҳақида қарши даъво талабини қўйди.



Бировнинг қарзига кафил бўлишга шошилманг

Кафилнинг позицияси

– Ҳақиқатан ҳам, 2015 йил июлда бизнинг 2-МЧЖ ва 1-МЧЖ кафиллик шартномаларини туздилар ва қарздорнинг пул мажбурияти юзасидан кафиллик қилишни зиммаларига олдилар. Бироқ кафил – 1-МЧЖ чиқиб кетганидан кейин кредит бўйича қолган бутун сумма юзасидан кафиллик қилишга розилик бермаганмиз. Бунинг устига, ФКнинг 298-моддаси 1-қисмига мувофиқ, кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлгач, шунингдек ушбу мажбурият кафилнинг розилигисиз жавобгарликнинг ошишига ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатларга олиб келадиган тарзда ўзгартирилган тақдирда кафиллик бекор бўлади. Шу сабабли даъвони қондиришингизни, банкнинг қарши даъвосини эса қисман қондириб, биздан 30 млн сўмни, қолган 70 млн сўмни эса қарздордан ундиришингизни сўраймиз.

Қарздорнинг позицияси

– Маҳсулотни тайёрлаш ва етказиб беришга доир шартномавий мажбуриятларни бажариш мақсадида 2015 йил июнда банкдан 200 млн сўм кредит олдик. Банк 2015 йил июлда иккита МЧЖ билан кафиллик шартномаларини тузди. Кафиллик шартномаларида назарда тутилишича, кафиллар қарздорнинг кредит шартномаси бўйича барча мажбуриятларини бажариши юзасидан кредитор олдидан жавоб берадилар. 2016 йил январда кафиллардан бири тўловга ноқобиллиги сабабли чиқиб кетди, тегишли қўшимча битимлар тузилди. Айти пайтда биз ҳам вақтинча молиявий қийинчиликларни бошдан кечиряпмиз, шу сабабли кредит бўйича тўловларни кечиктиришни, даъво ва қарши даъвони эса рад этишни сўраймиз.

Банкнинг позицияси

– 2015 йил июлда қарздорга кредит бераётиб, унинг қайтарилмай қолиши хатаридан суғурталаниш мақсадида иккита МЧЖ билан кафиллик шартномаларини туздик, улар қарздорнинг кредит шартномаси бўйича барча мажбуриятларини бажариш учун кафил бўлдилар. 2016 йил январда кафиллардан бири чиқиб кетди. Тегишли қўшимча битимлар тузилди, бироқ бунда қолган кафилнинг мажбуриятлари ҳажми ўзгармади. Қарздор кредитни ўз вақтида қопламаганлиги (фоизлар ва асосий қарзни тўлаш мuddатини мунтазам бузганлиги) сабабли 2016 йил мартда қарздор ва қолган кафил (2-МЧЖ) 100 млн сўмлик мажбуриятларни солидар тартибда сўндиришларини талаб қилдик. Кафил кредит бўйича бутун сумма юзасидан кафиллик қилиш мажбуриятини зиммасига олганлиги муносабати билан, шунингдек кафиллик шартномаси талабларини ҳисобга олиб, даъвони рад этишни, қарши даъвони эса қондиришни сўраймиз.

Суднинг ҳал қилув қарори

Биринчи инстанция суди иш материалларини ўрганиб, даъвогарнинг вaж-далиллари ва жавобгарнинг эътирозларини тинглаб ва муҳокама этиб, қонун ҳужжатлари қондаларини таҳлил қилиб, кафилнинг 2-МЧЖ билан банк ўртасида тузилган кафиллик шартномасини бекор қилинган деб топиш, ундан 2-МЧЖ тўлаган давлат божи (1 302 400 сўм) ва почта харажатларини (7 200 сўм) ундириш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилишига сабабчи бўлган юқоридаги далиллар тасдиғини топмади. Шу билан бирга суд, ФКнинг 236, 252 ва 298-моддаларига асосланиб, банкнинг қарздор ва кафилдан 100 млн сўм кредит бўйича қарз, давлат божи (1 млн сўм) ва почта харажатларини (7 200 сўм) солидар тартибда ундириш ҳақидаги қарши даъвосини қондиришга қарор қилди.

Юрист шарҳи

ФКнинг 236-моддасига мувофиқ, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда кўйилмайдиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 252-моддаси 1-қисмига кўра, қарздорлар шерик бўлиб мажбурият олганда кредитор ҳамма қарздорлардан мажбуриятни солидар бажаришни ҳам, уларнинг ҳар биридан алоҳида-алоҳида бажаришни ҳам, шу билан бирга қарзни тўла ёки унинг бир қисмини бажаришни ҳам талаб қилишга ҳақли.

ФКнинг 298-моддаси меъёрларига кўра, кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлган, шунингдек ушбу мажбурият кафилнинг розилигисиз жавобгарликнинг ошишига ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатларга олиб келадиган тарзда ўзгартирилган тақдирда кафиллик бекор бўлади. Ушбу меъёр мазмундан келиб чиқишича, фақат кафиллик билан таъминланган мажбуриятнинг ўзгариши, башарти бундай ўзгартириш кафилнинг розилигисиз унинг масъулиятини оширган бўлса, кафилликнинг бекор бўлишига олиб келиши мумкин.

Кафил қарздорнинг кредит шартномаси бўйича барча мажбуриятларини бажариши

учун кафиллик шартномасига кўра жавоб бериши муносабати билан кафиллар сонининг камайгани таъминланаётган мажбуриятни ўзгартирмайди, сабаби ФКнинг 252-моддасига мувофиқ солидар қарздорлар мажбурият тўла бажарилгунча бурчли бўлиб қолаверадилар. Ўз навбатида солидар қарздорларнинг бирдан тўлиқ қаноатланмаган кредитор ололмаган нарчасини бошқа солидар қарздорлардан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Баён этилганлар муносабати билан кафиллардан бирининг чиқиб кетиши ФКнинг 298-моддаси қондаларидаги кафилликнинг бекор қилиниши билан боғлиқ вазиятларга кирмайди.

Бинобарин, суд даъво талабларини қондиришни рад этиш ва қарши даъвони қондириш ҳақида тўғри қарор қабул қилган.

Шуни қайд этиш лозимки, кафил кафиллик шартномасини, сўнг қўшимча битимни имзолаётганда мажбуриятлар суммасини камайтириши ва кафиллик шартномасида унинг аниқ миқдорини қайд этиши зарур эди. Шунда судга мурожаат этишига ва суд харажатларини тўлашига тўғри келмас эди.

Павел Сильнов, адвокат.

Реклама ва эълонлар

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробот тумани, Таълимгаржон кўч., 1/1. Тел.: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ХИЗМАТЛАР	ТАКЛИФЛАР
Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.	Таъмирлаш-қурилиш ишларига жорий нархларда сметалар тузамиз. Тел.: (+99871) 244-86-80, (+99871) 244-86-79.
Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.	Таъмирлаш-қурилиш ишларини бажарамиз (пул ўтказиш йўли билан). Тел.: (+99890) 945-65-85.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида «ВеPro Norma» масъулияти чекланган жамиятининг тадбиркорлар учун мўлжалланган «1UZ Бухгалтерия. Мини» миллий дастури тақдироти ўтказилди. Унда мазкур дастурни бошқариш тизими, тадбиркорлар учун яратилган қулайликлар ҳақида маълумот берилди.

«1UZ бухгалтерия. Мини» – тадбиркорлар учун қулай дастур

Мазкур бухгалтерия дастури маълумотлар базасини яратиш ва унинг асосида турли мураккабликдаги бухгалтерия ҳисоботларини шакллантириш имконини беради. Энг муҳими, у ҳисобда хатога йўл қўймасликда, иш вақтини тежашда, зарур ахборотни тезкор равишда олишда ёрдам беради. Дастурни танлашда у қайси корхонага: кичик, ўрта ёки йирик корхонага мўлжалланганини ҳисобга олиш, унинг қай соҳага тегишлилигига эътибор қаратиш зарур.

– Ёш тадбиркорлар учун мўлжалланган «1UZ Бухгалтерия. Мини» дастури мамлакатимиз қонунчилик ҳужжатлари асосида яратилган, – дейди «ВеPro Norma» масъулияти чекланган жамияти бош мутахассиси Бахтиёр Собиржонов. – Мазкур дастурдан фойдаланиш жуда қулай. **Ўзбек ёки рус тилларидаги интерфейсга эга**, имкониятлари бўйича хорижий дастурлардан қилишмайди. «1UZ» дастури бухгалтерияни автоматлаштириш билан бирга бошқа қатор хизмат турларини ҳам ўзида мужассам этган. Шунингдек, мазкур дастурнинг **тўлақонли юкланувчи бепул версияси тадбиркорларга унинг афзалликларини кўриш ҳамда сифатли лицензион дастур соҳибига айланиш ва ишлаб чиқувчи билан ҳамкорликни давом эттириш хусусида яқиний қарор қабул қилиш имконини беради.**

Ишончли маълумотлар билан таъминлаш тизими такомиллашмоқда

Давлат статистикасига аввал асосан давлат идоралари, илмий изланувчилар ва талабалар мурожаат қилган бўлса, бугунги кунда тадбиркорлар, инвесторлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро қўтисодий ва молиявий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам статистик маълумотларнинг фаол фойдаланувчиларига айланди.

Тошкентда Давлат статистика кўмитаси томонидан тизимда илгор халқаро методологияни жорий этиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида бу алоҳида қайд этилди.

Кўмита томонидан давлат статистика ҳисоботларини қисқартириш йўли билан статистик маълумотларни олиш манбаларини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2000 йилда 372 статистика ҳисоботи шаклларида фойдаланилган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич, статистик маълумотларнинг сифати ва тўлиқлигига таъсир кўрсатмаган ҳолда, деярли уч баробар қисқариб, 127 шаклни ташкил этмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари учун давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Давлат статистика кўмитасининг расмий сайтида бепул тақдим этиладиган «eStat 2.0» статистик ҳисоботларини электрон кўринишда йиғининг автоматлаштирилган тизими ишга туширилди.

Натижада 2011 йилда респондентларнинг атиги 4 фоизи электрон кўринишда ҳисобот топширган бўлса, 2014 йилга келиб бу рақам 98,4 фоизга өтди, 2015 йилдан эса статистика органлари томонидан барча ҳисоботлар фақат электрон кўринишда қабул қилинмоқда.

Статистика органлари томонидан охириги беш йилда 10 ахборот тизими ишга туширилди, расмий сайтлар орқали 10 интерактив давлат хизмати тақдим этилмоқда.

2016 йилдан бошлаб дунёда умумқабул қилинган ялпи ички маҳсулот тузилмасини ҳисоблаш методикасини жорий этиш ҳамда макроиктисодий кўрсаткичларни Фаолиятнинг халқаро стандарт таснифлагичи асосида шакллантиришни таъминлаш юзасидан иш олиб борилмоқда. Бу эса тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар учун макроиктисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг статистика ва таҳлилий кўрсаткичларини таққослашда яна бир қулайлик бўлади.

ЎЗА материаллари асосида.

ҚАЙТА БАҲОЛАШНИ БОШЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг (МИСВ, МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 4.12.2002 йилда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 7-бандини ижро этиш мақсадида 2017 йил 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолаш индекслари ишлаб чиқилди. Мазкур индекслар кўрсатилган Низомга мувофиқ тайёрланган ҳамда асосий фондларни навабтдаги қайта баҳолашда қўллаш мумкин бўлган усуллардан бири сифатида корхона ва ташкилотлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Б.ИКРОМОВ,

Давлатқўм раисининг ўринбосари.

2017 йил 1 январь ҳолати бўйича асосий фондлар, ўрнатиладиган ускуналар ва қурилиши тугалланмаган объектлар қийматини (уларни харид қилиш, тайёрлаш, қуриш даврлари бўйича)

Қайта баҳолаш индекслари

Асосий фондларнинг гуруҳлари ва кодлари	1995 йилгача (1995 йил ҳам киряди)	1996–2005 йиллар	2006–2014 йиллар	2015 йил	2016 йил			
					I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
1. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бинолари (10000–10018)								
P-1 гуруҳи	1,000	1,048	1,081	1,103	1,094	1,067	1,040	1,015
P-2 гуруҳи	1,000	1,037	1,070	1,092	1,083	1,057	1,030	1,005
P-3 гуруҳи	1,000	1,027	1,059	1,081	1,072	1,046	1,020	1,000
P-4 гуруҳи	1,000	1,017	1,049	1,070	1,062	1,036	1,009	1,000
P-5 гуруҳи	1,000	1,007	1,038	1,059	1,051	1,025	1,000	1,000
2. Иншоотлар (20000–20382)								
P-1 гуруҳи	1,000	1,048	1,081	1,103	1,094	1,067	1,040	1,015
P-2 гуруҳи	1,000	1,037	1,070	1,092	1,083	1,057	1,030	1,005
P-3 гуруҳи	1,000	1,027	1,059	1,081	1,072	1,046	1,020	1,000
P-4 гуруҳи	1,000	1,017	1,049	1,070	1,062	1,036	1,009	1,000
P-5 гуруҳи	1,000	1,007	1,038	1,059	1,051	1,025	1,000	1,000
3. Узатиш қурилмалари (30000–30124)	1,016	1,072	1,106	1,128	1,115	1,076	1,041	1,014
4. Машиналар ва ускуналар								
4.1 Куч машиналари ва ускуналар (40000–40719)	1,014	1,070	1,104	1,126	1,114	1,079	1,054	1,028
4.2 Ишчи машиналар ва ускуналар (41000–46119)	1,014	1,070	1,104	1,126	1,114	1,079	1,054	1,028
4.3 Ўлчов ва бошқарув асбоб ва қурилмалари, лаборатория жиҳозлари (47000–47066)	1,014	1,070	1,104	1,126	1,114	1,079	1,054	1,028
4.4 Ҳисоблаш техникаси (48000–48010)	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
4.5 Бошқа машина ва ускуналар (49000–49303)	1,000	1,045	1,078	1,100	1,090	1,062	1,044	1,025
5. Транспорт воситалари (50000–50709)								
Енгил автомобиллар	1,000	1,025	1,058	1,079	1,071	1,050	1,035	1,019
Бошқа транспорт воситалари	1,014	1,070	1,104	1,126	1,114	1,079	1,054	1,028
6. Асбоблар (60000–60002)	1,000	1,045	1,078	1,100	1,088	1,055	1,036	1,023
7. Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик анжомлари, мебелсиз (70000–70002,70005–70012)	1,000	1,045	1,078	1,100	1,088	1,055	1,036	1,023
8. Мебель (70003–70004)	1,000	1,009	1,041	1,062	1,056	1,040	1,028	1,015
9. Ишчи ва маҳсулдор моллар (80000)	1,000	1,010	1,042	1,063	1,061	1,067	1,074	1,028
10. Кўп йиллик қўчатлар (90000–90021)	1,000	1,034	1,067	1,089	1,076	1,040	1,020	1,013
11. Кутубхона фондлари	1,000	1,045	1,078	1,100	1,085	1,051	1,038	1,020
12. Бошқа асосий фондлар	1,000	1,055	1,088	1,110	1,097	1,060	1,038	1,022
13. Қурилиши тугалланмаган объектлар	1,011	1,068	1,101	1,124	1,102	1,045	1,011	1,001
14. Ўрнатилмаган ускуналар	1,000	1,045	1,078	1,100	1,090	1,062	1,044	1,025

Изоҳ.

Асосий фондлар кодлари 1990 йилги Амортизация ажратмаларининг ягона меъёрларига мувофиқлаштирилган.

Ташкилот балансидаги турар жой фонди объектлари, уларни қайта баҳолашга доир бошқа меъёрий ҳужжат бўлмаса, 1,0 коэффициентини билан қайта баҳоланади.

Минтақалар гуруҳлари:

- P-1 гуруҳи – Тошкент ш.
- P-2 гуруҳи – Тошкент, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятлари.
- P-3 гуруҳи – Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари.
- P-4 гуруҳи – Сурхондарё, Хоразм, Наманган вилоятлари.
- P-5 гуруҳи – Жиззах вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё вилояти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАРИ
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собиржонов
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90,
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида тегили ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўроқ бېғими – А3. Ҳўржи – 2 босма таъбик. Баҳою келишилган нархди.
Буортма 760. Адади 1 150. Газета 2017 йил 5 январь сўат 19:00 да топширилди.